



IMPORTANT ISSUES OF PREVENTING CORRUPTION IN THE FIELD OF MIGRATION

Zufarov Farkhod Makhmadzhanovich

Head of the Department for Protection of Citizens' Rights and
Freedoms of the Prosecutor General's Office of the Republic of
Uzbekistan

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14242229>

ARTICLE INFO

Received: 24th November 2024
Accepted: 28th November 2024
Online: 29th November 2024

KEYWORDS

Migration, corruption, employment agencies, labor migrants, state policy, anti-corruption measures, social protection, private sector, legislation, monitoring.

ABSTRACT

This article analyzes the urgent issues of preventing corruption in the migration sector. It examines migration processes, the factors of corruption affecting them, and discusses broad reforms by the state and society to combat corruption. Special attention is given to the activities of private employment agencies and related challenges.

МИГРАЦИЯ СОҶАСИДА КОРРУПЦИЯНИ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Зуфаров Фарҳод Махамаджанович

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини
ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14242229>

ARTICLE INFO

Received: 24th November 2024
Accepted: 28th November 2024
Online: 29th November 2024

KEYWORDS

Миграция, коррупция, бандлик агентликлари, меҳнат мигрантлари, давлат сиёсати, коррупцияга қарши кураш, ижтимоий ҳимоя, хусусий сектор, қонунчилик, мониторинг.

ABSTRACT

Ушбу мақолада миграция соҳасида коррупцияни олдини олишнинг долзарб масалалари таҳлил қилинади. Миграция жараёнлари ва унга таъсир кўрсатувчи коррупция омиллари, шунингдек, коррупцияга қарши курашишда давлат ва жамиятнинг кенг қўламли ислоҳотлари муҳокама этилади. Мақолада, айниқса, хусусий бандлик агентликлари фаолияти ва улар билан боғлиқ муаммоларга алоҳида эътибор қаратилган.

Миграция соҳасида коррупцияни олдини олиш - ушбу соҳадаги қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалга оширилишини таъминлаш, шунингдек, шахсларга ўз ҳуқуқлари ва эркинликларидан тўсиқларсиз, ортиқча муаммоларсиз ва



манфаатдорликларсиз фойдаланиш имконини берувчи тизимни яратишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуасидир¹.

Миграциянинг ўзи кўчиш ёки жой ўзгартиришни англатади ва бу тушунча ҳозирги замон давлатларида ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий муносабатлар сифатида муҳим аҳамиятга эга. Миграция икки турга бўлинади: ташқи миграция (аҳолининг мамлакат худудидан чиқиб кетиши) ва ички миграция (давлат доирасида яшаш жойларини ўзгартириш)².

Миграция жараёнлари давлат бошқарувида ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи маъмурий-ҳуқуқий нормаларнинг таъсирига асосланади³. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунида коррупциянинг аниқ таърифи берилган бўлиб, у шахснинг мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий ёки бошқа шахсларнинг манфаатларини кўзлаб қонунга хилоф фойдаланишини англатади.

Миграция соҳасида коррупцияни олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар қўйидагилардан иборат:

- миграция соҳасида давлат сиёсатини амалга оширувчи органларнинг фаолиятини ошқоралик ва ҳисобдорлик принципларига мувофиқ олиб бориш, уларнинг бошқарув тизимини самарали қилиш ва мансабдор шахсларнинг ўз вазифаларини бажаришдаги масъулиятини ошириш⁴;
- коррупцияга қарши курашиш соҳасида парламент ва жамоатчилик томонидан миграция соҳасидаги давлат органлари фаолияти устидан назоратни амалга ошириш;
- масъул давлат органлари ходимлари томонидан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик, уларнинг олдини олиш чораларини кўриш;
- мансабдор шахслар ва бошқа ходимларнинг вазифа бажариш самарадорлиги ҳамда сифатини баҳоловчи мезонлар, стандартлар ва баҳолаш тизимларини жорий этиш;
- давлат органлари ходимлари учун одоб-ахлоқ қоидаларини белгилаш ва уларни самарали амалга ошириш;
- ходимлар ўртасида манфаатлар тўқнашувини ҳал қилиш учун ташкилий-ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш ва мониторинг ўтказилишини таъминлаш;
- давлат органлари ходимларининг ҳуқуқий мақомини аниқлаш, хизматнинг шаффоф тартибини ўрнатиш, танлов ва хизматда кўтарилишнинг очиқ, беғараз ва адолатли тартибини жорий этиш;
- жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари бўйича қонунчилик талабларига риоя қилинишини, мурожаатларни тўлиқ, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқишни, бузилган ҳуқуқ ва эркинликларни тиклашга доир чораларни амалга оширишни таъминлаш.

Миграция соҳасида коррупцияни олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар қўйидагилардан ташкил топади:

¹ Castles S., de Haas H., & Miller M., "The Age of Migration", Palgrave Macmillan, 2020.

² Portes A., "Immigrant America: A Portrait", University of California Press, 2014.

³ Rose-Ackerman S., "Corruption and Government: Causes, Consequences, and Reform", Cambridge University Press, 2016.

⁴ Massey D. S., "Worlds in Motion: Understanding International Migration at the End of the Millennium", Oxford University Press, 2005.



- 1) Давлат органлари фаолиятида коррупцияга қарши тадбирларнинг самарадорлигини баҳолаш ва мунтазам мониторинг ўтказиш;
- 2) Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва лойиҳаларнинг коррупцияга қарши экспертизасини ташкил этиш;
- 3) Соҳадаги давлат органлари ходимларининг самарали ижтимоий ҳимоясини, моддий таъминотини ва рағбатлантирилишини таъминлаш;
- 4) Маъмурий ва бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, рўйхатга олиш, рухсат бериш ва лицензиялаш тартиб-таомилларини соддалаштириш ҳамда тезкорлигини ошириш;
- 5) Давлат органлари билан жисмоний ва юридик шахслар ўртасида масофавий хизматларни кенг жорий этиш;
- 6) Хусусий бандликка кўмаклашиш ташкилотларига тенг шарт-шароитлар яратиш ва инсофсиз рақобатга йўл қўймаслик⁵.

Ўзбекистон Республикасининг замонавий давлатчилиги тарихи орқали миграция жараёнларини бошқаришдаги ўзгаришлар таҳлиliga мувофиқ мустақилликка эришганимиздан сўнг миграция масалалари Ички ишлар, Меҳнат ва Ижтимоий таъминот вазирликлари томонидан қисман амалга оширилган.

Кейинчалик, 1993 йилда Вазирлар Маҳкамаси қарори билан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ҳузуридаги Кўчма меҳнатчилар ишлари республика агентлиги ташкил этилган.

2001 йилда Президентнинг фармони билан Меҳнат ва Ижтимоий таъминот вазирликлари бирлаштирилиб, янгидан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ташкил қилинган.

Шундан кейин, 2001 йилда Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган қарорга асосан Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги ташкил этилди. Агентликнинг вазифалари қуйидагиларни қамраб олди:

- Ўзбекистон фуқароларининг чет элдаги фаолияти ва хорижий фуқароларнинг Ўзбекистондаги касб фаолиятини мувофиқлаштириш;
- меҳнат миграцияси соҳасида халқаро ҳамкорлик лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- чет эл давлатлари билан квоталар ва рухсатномалар бериш бўйича ҳамкорлик қилиш;
- Ўзбекистон фуқароларининг чет элда ишга жойлашишига кўмаклашиш;
- хорижий ишчи кучларини ёлловчи фирмалар билан ҳамкорлик қилиш;
- чет элда меҳнат фаолияти учун рухсатномалар бериш;
- юридик шахсларга хорижий ишчи кучларини жалб этиш учун рухсатномалар бериш, шунингдек, хорижий фуқароларга меҳнат фаолияти учун тасдиқномалар бериш.

Бундан ташқари, Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси вазирликлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари таклифларига асосан ташқи меҳнат миграцияси жараёнларини таҳлил қилиш ва миграция ривожланишининг прогнозларини ҳисобга олиш вазифасини бажаради.

⁵ Ruhs M., "The Price of Rights: Regulating International Labor Migration", Princeton University Press, 2013.



Агентлик ташкил этилганидан 2018 йилга қадар республика фуқароларининг ташқи меҳнат миграциясини ташкил қилиш билан шуғулланувчи ягона орган сифатида фаолият юритган. Аммо, Агентликнинг фаолияти самарали бўлмаганлиги ва коррупциявий муаммолар ечими топилмаганлиги сабабли ташқи меҳнат миграцияси борасида давлат сиёсатида бир қатор камчиликлар кузатилди. Бунинг оқибатида фуқаролар расмий давлат органларига мурожаат қилмай, турли воситачилар ва "ўртакашлар" орқали чет давлатларда иш ўрни топиш ва ноқонуний ишга жойлашиш ҳолатлари кўпайди.

Масалан, 2018 йилда Агентликнинг бир гуруҳ собиқ мансабдор шахслари Кореяга фуқароларни ишга жўнатиш ваъдасини бериб, уларнинг ҳар биридан 5-7 минг АҚШ доллари олиб, жами 20 млн. АҚШ доллари миқдорига пул маблағларини ноқонуний тасарруф қилишган. Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, айбдор шахслар жинойий жавобгарликка тортилганлар.

Ушбу ҳолатлар Агентлик тизимини ва ташқи меҳнат миграциясини тубдан такомиллаштириш ва бозор механизмларини жорий қилиш зарурлигини кўрсатди. Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июлда "Ўзбекистон Республикасининг ташқи меҳнат миграция тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3839-сонли қарори қабул қилиниб, унга мувофиқ Ўзбекистонда рўйхатдан ўтган юридик шахслар Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан берилган лицензия асосида Ўзбекистон фуқароларини хорижда ишга жойлаштириш ҳамда вазирликда аккредитациядан ўтиш йўли билан хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун кетаётган фуқароларнинг касбий малакаси ва хорижий тилларни билиш даражасини тасдиқлаш борасидаги фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузурида Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахсларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси юридик шахс сифатида ташкил этилди ҳамда унга қуйидаги ваколатлар берилди:

- Хорижда меҳнат фаолияти давомида зўравонлик, мажбурий меҳнат, камситиш, ҳуқуқларни бузиш, оғир молиявий аҳволга тушиш ёки шахсни тасдиқловчи ҳужжатларсиз қолиш ҳолатларида жабрланган фуқароларга ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя кўрсатиш, моддий ёрдам тақдим этиш;
- Жароҳатланган ёки бахтсиз ҳодиса натижасида тиббий хизматга муҳтож бўлган фуқароларга тиббий хизмат кўрсатиш, агар улар тиббий хизмат ҳақини мустақил равишда тўлаш имкониятига эга бўлмаса, тўланган маблағларни кейинчалик фуқаролар томонидан қоплаб бериш шартлиги билан тиббий хизмат кўрсатиш;
- Хорижда меҳнат фаолияти даврида вафот этган фуқароларнинг жасадларини, ёки меҳнат қобилятини йўқотган ёки жиддий жароҳатланган шахсларни республикага олиб келиш;
- Хорижда меҳнат фаолияти учун юборилган ва ишга жойлашган давлатнинг қонун ҳужжатларини бузиш оқибатида депортация қилинган фуқароларни, тўланган маблағларни кейинчалик қоплаб бериш шартлиги билан қайтариш, ёки келишилган меҳнат шартлари таъминланмаган ҳолатларда фуқароларни олиб келиш;



- Республика худудида хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун кетишдан олдин мослаштириш, касбий тайёрлаш, хорижий тилларга ўқитиш ва билим даражасини тест синовлари билан текшириш марказларини ташкил этиш ва жиҳозлаш;
- Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг ваколатхоналарини ташкил қилиш ва жиҳозлаш;
- Норасмий меҳнат миграциясини олдини олиш ва фуқароларни хорижда ишга жойлаштириш тизимини такомиллаштиришга қаратилган ахборот-маърифий тадбирларни ўтказиш;
- Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ишга жойлаштириш билан боғлиқ харажатларни тўлаш учун тижорат банкларида кредит линиялари очиш ва меҳнат мигрантларига микроқарзлар бериш;
- Вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини суғурталаш бўйича суғурта пулининг ўрнини қоплаш учун суғурта компанияларига субсидиялар бериш;
- Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахсларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармасининг Кузатув кенгаши томонидан белгиланадиган бошқа тадбирларни амалга ошириш.

2018 йил 16 октябрда Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди. Ушбу қонун хусусий бандлик агентликларини ташкил қилиш ва уларнинг фаолиятини тартибга солиш билан боғлиқ муносабатларни белгилайди. Қонуннинг 13-моддасига кўра, хусусий бандлик агентликлари хорижда ишга жойлаштириш хизмати кўрсатиш учун ихтиёрий равишда 50 минг АҚШ доллари миқдорига маблағни Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармасида захира қилиб қўйишлари талаб этилган.

Қонун қабул қилинганидан сўнг 78 та хусусий бандлик агентликларига лицензиялар берилди ва улар фуқароларни чет элларга турли касбларга жўнатишга киришди. 2019-2020 йилларда ушбу агентликлар томонидан 3224 нафар фуқаро Россия, Туркия, Литва, Латвия, Польша, Болгария, БАА, Беларусь, Япония, Қозоғистон, Украина ва Қатар каби давлатларга қонуний тарзда ишга жойлаштирилди.

Бироқ, ваколатли давлат органларининг назорати сусайтирилганидан фойдаланган айрим хусусий бандлик агентликлари коррупцион ҳолатларга йўл қўйди. Улар фуқаролардан хизматлари учун моддий қимматликлар талаб қилиб, охирида уларни чет давлатларга юбормай, тўланган пул маблағларини ўз эҳтиёжлари учун сарфлашган. Мисол учун, 12 та хусусий бандлик агентлигининг 51 нафар ходими 9338 нафар фуқародан 79,1 миллиард сўмга яқин пул маблағларини фирибгарлик йўли билан ўзлаштирган. Ушбу ҳолатлар юзасидан жиноят ишлари қўзғатилган ва натижаси бўйича жазо муқаррарлиги таъминланган.



Шу билан бирга, “Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида”ги 181-сонли Халқаро конвенциянинг 7-моддасига кўра, хусусий бандлик агентликлари ўз хизматлари учун пул талаб қилиши тақиқланган.

2020 йил 13 августда қабул қилинган «Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар мувофиқ хусусий бандлик агентликлари (ХБА) хорижда иш қидираётган шахсларни ишга жойлаштирганлиги учун мижоздан ҳақ талаб қилиш ёки ундиришга ҳақли эмас.

Агентликлар мижозлар билан шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки бажаришда муаммо туғдирган ҳолларда, ХБАнинг ва Ўзбекистон Бандлик ҳамда меҳнат муносабатлари вазирлигининг почта манзиллари ва телефон рақамлари хабарномада кўрсатилиши белгиланди.

ХБАдан жамғармага олинган захира маблағи базавий ҳисоблаш миқдорининг 8500 бараварига (182 755 АҚШ доллари) тенг миқдордаги маблағни ташкил этиши лозимлиги белгиланди.

Хорижга ишга жойлаштирилаётган шахслардан тўғридан-тўғри хизмат ҳақи ундирилмайди, балки, хизмат ҳақи хориждаги иш берувчи томонидан тўланиши керак.

ХБАнинг фуқароларга берадиган ахборот ва маслаҳат хизматлари қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари билан чекланиши лозим.

ХБАнинг фуқаро билан шартномаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг “labormigration.uz” ахборот тизимида реал вақт режимида рўйхатга олиниши талаб этилди.

Ушбу ўзгартириш ва қўшимчалар миграция соҳасидаги ҳолатларни яхшилашга ва хусусий бандлик агентликлари томонидан фуқароларнинг алданишини камайтиришга хизмат қилган бўлса-да, бошқа томондан қарийб 1,5 миллион меҳнат мигрантларини бошқариш ва иш билан таъминлашда давлатга кўмакчи бўлиши мумкин бўлган хусусий бандлик агентликларининг фаолияти кескин қисқартирилди.

Статистик маълумотларга кўра, киритилган ўзгартиришлардан кейин кўпчилик хусусий бандлик агентликлари лицензия олиш учун талаб қилинадиган (тахминан 2,5 млрд. сўм) пул маблағларини жамғарма депозит ҳисоб рақамига киритиш шартларини бажара олмай, ўз фаолиятини тугатишга мажбур бўлди.

Шу билан бирга, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Жамғарма ҳар бир хусусий агентлик томонидан киритилган маблағларни тижорат банкларининг депозитларига жойлаштиришдан катта миқдорда фоиз даромадлари олади.

2022 йилда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги томонидан эълон қилинган маълумотларга кўра, Ўзбекистоннинг иқтисодий фаол аҳолиси орасида ишсизлик даражаси 9,2 фоизни ташкил этган. 1,4 миллион Ўзбекистонлик ишга муҳтож бўлиб, ёшлар (16-30 ёш) орасида ишсизлик 14,9 фоизни, аёллар орасида эса 12,8 фоизни ташкил қилади.

Вазирликнинг маълумотларига кўра, меҳнат муҳожирларининг кўпчилиги Ташқи миграция агентлиги давлат унитар корхонасининг хизматларидан фойдаланмайди. 2022 йилда Ўзбекистондан хорижга кетган меҳнат муҳожирларининг умумий сони



қарийб 2 миллионни ташкил этган бўлса, мазкур агентлик 8 12 мингдан ортиқ одамни ишга жўнатган.

Хусусий бандлик агентликлари Европа мамлакатлари, Япония ва Яқин Шарқнинг бой мамлакатларига меҳнат муҳожирларини жўнатиш ва уларни сифатли, яхши ҳақ тўланадиган ва хавфсиз ишларга жойлаштириш билан шуғулланади.

Давлат томонидан хусусий бандлик агентликларини рағбатлантириш, улар учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш соҳасидаги дастурлар ва лойиҳаларда уларнинг иштирокини кенгайтириш чора-тадбирларини кўриш, меҳнат муҳожирлари оқимини – юз минглаб ишсизларга иш топишда самарали ёрдам беради. Бу ёрдам давлат бюджетидан молиявий харажатларни талаб қилмайди ва мамлакатда давлат харажатларини оптималлаштириш мақсадига мос келади.

Ташқи миграция масаласида талаб билан таклифнинг ўртасидаги номутаносиблик, Ташқи миграция агентлиги Республика ҳудудида меҳнат миграциясига жўнатишда деярли монопол ҳуқуққа эга бўлганлиги албатта коррупцион схемаларнинг кўпайишига, турли воситачиларга мурожаат қилинишига олиб келади.

Маълумотларга кўра, ҳар йили Корея давлати Ўзбекистонлик мигрантлар учун 5 минг нафарлик квота ажратган. 2022 йилда 15 мингдан ортиқ Ўзбекистонлик мазкур квотага кириш учун ҳужжатларини топширган ва имтиҳонларда қатнашган. Аммо, Агентлик ходимлари мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиб, 100 нафардан ортиқ иштирокчиларни имтиҳонларга киришдан четлатиш учун иш берувчига хат юборган, оқибатда, ушбу шахслар имтиҳонларда ноқонуний равишда қатнаштирилмаган.

Бу ҳолатлар Агентлик тизимида коррупцион схемалар шаклланишини ва уларни бартараф қилиш учун хусусий бандлик агентликларининг фаолиятини ривожлантириш зарурлигини кўрсатади. Коррупциянинг авж олишига сабаб бўлаётган омиллардан бири - ташқи меҳнат миграцияси соҳасида ягона қонунчилик ҳужжати мавжуд эмаслигидир. Масалан, “мигрант”, “ноқонуний меҳнат миграцияси”, “тартибга солинган миграция”, “иш берувчи”, “юборувчи”, “мигрантларнинг оила аъзолари” каби тушунчаларга қонунчиликда аниқ таъриф берилмаганлиги соҳада муаммолар ва коррупциявий ҳолатларга йўл очмоқда.

Кўшни давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, масалан Қирғизистонда “Ташқи меҳнат миграцияси тўғрисида”ги қонун 2006 йилда, Тожикистоннинг “Миграция тўғрисида”ги қонуни 2020 йилда қабул қилинган. Ўзбекистонда эса “Ташқи меҳнат миграцияси тўғрисида”ги қонун лойиҳаси 2022 йилда ишлаб чиқилган, Қонунчилик палатасидан ўтган, аммо Сенат томонидан тасдиқланмаган ва қайтарилган. Олий Мажлис палаталари томонидан келишув комиссияси тузилган ва Қонун қайта ишланган ҳолда 13.03.2023 йилда Сенатга маъқуллаш учун юборилган, бироқ масала ханузгача ечимини топмаган.

Шу билан бирга, “Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида”ги қонуннинг 13-моддаси 12-бандига ўзгартириш киритиб, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамғармага қўйилиши лозим бўлган маблағларнинг базавий ҳисоблаш миқдорини кескин даражада камайитириш мақсадга мувофиқ бўлади.



Мазкур ўзгартириш хусусий бандлик агентликлари сонининг кўпайишига, меҳнат бозорида рақобатнинг ошишига ва ташқи меҳнат миграциясида янги йўналишларнинг пайдо бўлишига ёрдам беради, шунингдек коррупциянинг камайишига сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида”ги қонуннинг 13-моддасидаги “Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ишни қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича хизматлар учун ҳақ ундириш тақиқланади” жумласини “Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ишни қидираётган шахслар ва хориждаги иш берувчилардан бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ишни қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича хизматлар учун ҳақ ундириш тақиқланади” каби жумлаларга ўзгартириш масаласини кўриб чиқиш лозим.

Бу ўзгартириш жаҳон меҳнат бозорида ўзбек мигрантларининг рақобатбардошлигини оширади ва хусусий бандлик агентликларига бошқа давлатлардаги иш берувчилар билан меҳнат миграцияси соҳасида ҳамкорлик қилиш учун кенг имкониятлар яратади.

Қирғизистон Республикасининг тажрибасига асосланиб, меҳнат мигранти билан тузиладиган шартномада чет давлатда ишга жойлаштириш учун кўрсатилган хизмат учун ҳақ тўлаш тартиби аниқлаб қўйилиши керак. Кейинчалик, меҳнат мигрантлари учун махсус депозит ҳисоб рақами очилиши ва уларнинг чет давлатда ишга жойлаштирилиши ва биринчи ойлик иш ҳақи олинганидан кейингина депозитдаги маблағларни агентлик ҳисоб рақамига ўтказилиши керак.

Шу билан бирга, меҳнат мигрантларининг чет давлатдаги иш жойидан қочиб, ноқонуний меҳнат мигрантига айланиб кетишини олдини олиш мақсадида уч томонлама тузиладиган меҳнат шартномасига депозит ҳисоб рақамига ҳар ойлик иш ҳақидан маълум бир қисмини (10-15 фоизини) ўтказиш тартибини жорий қилиш зарур.

Ушбу тартибга кўра меҳнат мигранти шартнома муддати тугагунига қадар иш жойидан қочиб кетса, депозитда сақланаётган маблағлар иш берувчига қайтарилади. Агар мигрант шартнома муддати давомида тўлиқ ишласа, депозит ҳисоб рақамидagi маблағларни тўлиқ олиши мумкин. Бу тартиб ишчиларнинг иш жойидан қочиш ҳолатларини камайтиради ва хориждаги иш берувчиларда ишончни оширади.

Ташқи меҳнат миграцияси билан боғлиқ қонунчилик тизимини умумлаштириш ва ижтимоий муносабатларнинг тартибга солинишида Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи меҳнат миграцияси тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши муҳим. Бу қонуннинг қабул қилиниши соҳадаги кўплаб муаммоларнинг ҳуқуқий ечими бўлади ва қонунчиликдаги бўшлиқлардан фойдаланиб юзага келган коррупцион схемаларни олдини олишга ёрдам беради.

Вазирлар Маҳкамасининг 12.09.2018 йилдаги 725-сонли Қарорига асосан қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш Жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги Низомга илова сифатида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги



хузуридаги Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси маблағларининг тасдиқланган йўналишларга мувофиқ сарфланишини ташкил этиш” Схемасидаги “Харажатларни тўлаш учун талаб қилинадиган ҳужжатлар” деб номланган 2-устундаги “Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги бошлиғи номига ариза” жумласини “Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги бошлиғи номига “Labor-Migration” дастурий мажмуаси орқали электрон тарзда ёки тўғридан-тўғри ёзма равишда ариза” шаклида ўзгартириш мақсадга мувофиқ.

Бу ўзгартириш оғир моддий, тиббий ёки бошқа зарур ҳолатларда бўлган мигрантларга ёрдам кўрсатиш жараёнини тезлаштиради ва самарадорлигини оширади. Амалда мурожаатларни “Labor-Migration” дастурий мажмуаси орқали электрон тарзда ёки тўғридан-тўғри ёзма равишда ариза шаклида қабул қилиш йўлга қўйилган.

Юқоридаги Низомнинг 2-боби 4-бандига кўра жамғарма маблағлари қуйидаги манбалардан шаклланади:

- Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган беғараз молиявий ёрдам;
- Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан тузилган лицензия битими асосида Ўзбекистон Республикаси фуқароларини меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижга юборувчи ташкилотлардан олинadиган базавий ҳисоблаш миқдоридаги маблағлар;
- жамғарманинг тижорат банклари депозитларидаги вақтинча бўш маблағлардан олинadиган даромадлар.

Шу билан бирга, ушбу банддаги “Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан тузилган лицензия битими доирасида Ўзбекистон Республикаси фуқароларини меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижга юборувчи ташкилотларнинг базавий ҳисоблаш миқдоридаги маблағларни захиралаш, бунда захираланган сумма сарфлаб юборилган тақдирда маблағларни тўлдириш, шунингдек, фуқароларни хорижда ишга жойлаштириш ҳуқуқи учун лицензиянинг амал қилиши тугатилган ва бекор қилинган тақдирда, маблағларни қайтариш шarti белгилаб қўйилади” бандини олиб ташлаш мақсадга мувофиқ.

Бунга сабаб, мазкур Низом бўйича Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш Жамғармаси мазкур маблағларни Агентлик ваколатхоналарини хорижда ташкил этиш, жиҳозлаш, Агентлик ходимларини узоқ муддатли хизмат сафарига юбориш ва хорижий давлатлардаги вакиллар фаолиятини молиялаштириш учун ишлатиши керак.

Шунингдек, хусусий бандлик агентликлари томонидан шакллантирилган маблағларни депозит ҳисоб рақамига қўйиб, фойда олиш ва ушбу фойдани Ташқи меҳнат миграцияси агентлигини ривожлантиришга сарфлаш ҳолатлари мавжуд.

Бу ҳолат рақобатни тартибга солувчи қонунлар билан зиддиятга келиб, амалда ХБАлар ўз маблағларидан эркин фойдаланиш имкониятларини йўқотишларига олиб келмоқда. Шунингдек, миграция соҳасидаги коррупцияга қарши курашиш муаммоси бир мартада ёки қисқа муддатли тадбирлар билан ҳал қилинадиган масала эмас. Бу



соҳада ҳақиқий қонунийликни таъминлаш учун давлат ва жамиятнинг кенг қўламли ҳамкорликдаги ислоҳотларини амалга ошириш зарур.